

Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 23-yanvar, shanba, 9 (23.445)-son

**Кун ҳикмати**

Қўлида касби
ёки ҳунари,
юрагида шижоати,
вужудида ғурури
йўқ кишининг
икки кўзи ҳам,
икки қўли ҳам
мурувватга қараб
туради

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

## Ҳоким ўринбосари талабалардан таклиф сўради

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Жамшид Ўроқов талаба-ёшлар билан учрашув ўтказди.**



Учрашувда "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" давлат дастури лойиҳаси, вилоят иқтисодиётидаги янгилик ва ўзгаришлар, жорий йил учун режалаштирилган лойиҳалар, жумладан, туризмни ривожлантириш борасидаги ишлар ҳақида сўз юритилди.

– Бугун юртимизда ёшлар масалаларига ҳар қачонгидан катта эътибор қаратилаётганига гувоҳмиз, – деди Ж.Ўроқов. – Янги йил арафасида давлатимиз раҳбари юртимиз ёшлари форумида иштирок этиб, муҳим вазифаларни белгилаб берди. Олий Мажлисга Мурожаатномада ҳам йил моҳиятидан келиб чиқиб, устувор йўналишлар белгиланди. Айни пайтда эса давлат дастури лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилган. Сиз талабалар ҳам мазкур лойиҳа билан танишиб, ўз таклиф ва ғояларингизни билдирсангиз фойдадан холи бўлмайди. Дастур қанчалик мукаммал, ҳаётий бўлса, уни амалга ошириш ҳам осон, ҳам самарали бўлади. Муҳими, ёшлар ҳаётида нимадир ўзгаради, муаммоларга ечим топилади.

Вилоят ҳокими ўринбосари иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида сўз юритиб, бунда туризм етакчи тармоқлардан бири бўлишини алоҳида таъкидлади.

– Тўғри, бизда туристик объектлар кўп, бу борадаги салоҳиятимиз юқори, – деди Ж.Ўроқов. – Лекин шунга яраша етук, замон талабини яхши тушунадиган мутахассислар керак. Уларни кўпроқ мана шу институт тайёрлаб беради, сиз яхши мутахассис бўлишингиз лозим. Бунинг учун биз сизни қўллаб-қувватлашга, ёрдам беришга тайёрмиз.

Ж.Ўроқов институтда иқтисодиётни ривожлантириш учун кўплаб илмий ишлар қилинаётгани, аммо уларнинг натижаси сезилмаётганини таъкидлади. Шундан келиб чиқиб, илмий кенгашларга ҳоким ўринбосарлари ҳам киритилса, иқтисодиётни ривожлантириш, туризм тараққиётига ғов бўлаётган айрим камчилик ва муаммоларга илмий ва амалий ёндашиб ҳал этиш имкониятлари кенгайишини қайд этди.

Учрашув давомида талабалар ўз таклифларини билдирди, саволларига ҳоким ўринбосаридан жавоб олди.

**Тўлқин СИДДИҚОВ,**
**Ҳусан ЭЛТОЕВ (сурат).**

## "Самарқанднинг келажак жавоҳирлари"дан умид катта

**Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида олий таълим муассасалари битирувчилари орасидан сараланиб, вилоят ҳокимлиги захирасига олинган ёшлар билан учрашув ўтказилди.**



– Ўтган йил сизлар билан илк бор учрашиб, "Самарқанднинг келажак жавоҳирлари" бўлган кадрлар захирасини яратган ва дастлабки ҳаракатларни бошлаган эдик, – деди вилоят ҳокимлиги ташкилий назорат гуруҳи раҳбари Б.Раҳматуллаев. – Шу пайтгача ўндан ортиқ ёшлар давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига ишга қабул қилинди. Кўплаб йигит-қизлар ўз мутахассислиги ва интилишларидан келиб чиқиб, лойиҳа ва таклифларини тайёрлади. Ҳозир бу лойиҳаларни амалга ошириш устида ҳам ишлаяпмиз. Бугун сизлар билан учрашувимиздан мақсад давлат раҳбарининг парламентга Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини чуқурроқ ўрганиш, Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида олдимизда турган вазифалар ҳақида фикрлашиб олишдан иборат.

Учрашувда Б.Раҳматуллаев Мурожаатномада белгиланган устувор йўналишлар ва уларни амалга оширишда ёшларнинг иштироки ҳақида сўз юритди. Шунингдек, ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Ҳ.Тўхтаев давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ёшлар форумидаги маърузаси ва унда белгиланган вазифаларга тўхталди.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги вилоят филиали бошлиғи Р.Қобилов ёшларни давлат хизматига кенг жалб қилиш, кадрларни танлашда очиқ танлов тамойилларидан фойдаланиш бўйича маълумот берди. Ёшларни мазкур танловларда фаол қатнашишга даъват этди.

Учрашувда вилоятдаги бошқарма ва идоралар раҳбарлари ўзларида мавжуд бўш иш ўринлари ва бу лавозимларга номзодлар танлов асосида қабул қилинишини таъкидлади.

Очиқ ва самимий мулоқот руҳида кечган тадбирда "Самарқанднинг келажак жавоҳирлари" ҳам ўз таклиф ва ташаббусларини билдирди.

## Йилнинг биринчи ярмида 192 мингта замонавий газ ҳисоблагич ўрнатилади

**Бугунги кунда юртимизда табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда.**

Вилоят Матбуот уйида "Hududgaz Samarqand" газ таъминоти филиали раҳбарлари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида мазкур жараён ҳақида маълумот берилди.

– Соҳада йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар, эскича иш услуби сабаб бугун истеъмолчиларнинг табиий газ таъминоти юзасидан эътирозлари жуда кўп, – дейди "Hududgaz Samarqand" газ таъминоти филиали директори Олим Исоқулов. – Ўз навбатида, тўлов интизоми, табиий газдан самарали фойдаланиш борасида бизни ҳам кўп масалалар қийнайди. Шунинг учун давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 ноябрдаги ҳамда 2019 йил 9 июлда қабул қилинган қарорларида аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларига табиий газ етказиб бериш барқарорлигини таъминлаш ва тўловларни тартибга солиш устувор вазифа сифатида белгиланиб, тизимга илғор инновацион технологияларни жорий этиш вазифалари белгиланган. Мазкур ҳужжатларга кўра, ўтган йилнинг иккинчи чорагидан вилоятда электрон газ ҳисоблагичлар ўрнатиш ишлари бошланди. Президентимизнинг 2020 йил 24 сентябрдаги "Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш" лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар



тўғрисида"ги қарори асосида бу ишлар жадаллаштирилди. Бугунга қадар вилоятдаги аҳоли хонадонларига 18 минг 600 дан ортиқ газ ҳисоблагич ўрнатилиб, уларнинг 15 минг 500 га яқини онлайн БИЛЛИНГ дастурига уланди. Жорий йилнинг январь-июль ойларида эса 192 487 дона газ ҳисоблагич ўрнатиш режалаштирилган. Табиий газ истеъмоли ва қарздорлик даражаси юқори бўлган Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларидаги аҳоли хонадонларига март ойига қадар янги ҳисоблагич ўрнатиш ишлари якунига етказилади.

Албатта, бундай катта ҳажмдаги ишларни бажариш осон эмас. Шунинг учун 50 дан ортиқ газ пайвандловчи ва чилангар шартнома асосида ишга қабул қилинди. Шунингдек, 10 та пудратчи қурувчи фирмалар билан шартнома тузилди, 120 дан ортиқ ўрнатиш бригадалари ташкил этилди. Яна 350 та бригада ташкил қилиш кўзда тутилган.

**Ҳ.ФАЗЛИДДИНОВ.**

Муаммо билан юзма-юз

## Қурилишдаги қонуний фирибгарликлар

**Инсон борки яхши ният қилади. Болам-чақам дейди, озроқ пул тўпласа тўй қилиб, элга ош беради, кейин фарзандлари учун уй-жой тараддудига тушади. Бу энди ўзбекчилик, қонимизга синган одат. Оиласидан орттириб, емай-ичмай пул тўплаб, фарзандини уйли-жойли қолишни хоҳлайди. Лекин йиллар давомида тўплаган пулини янги уйга тўлов қилиб, охирги маблағни топширганда янги важлар пайдо бўлиб, орзулар саробга айланиб қолса-чи?**



Булунғур тумани Лалмикор маҳалласида яшовчи Нурали Норбоев ҳам шаҳардан уй олиш учун кўп йиллар пул тўплади. Уй олди ҳам. Кейин...

- 2019 йил 14 ноябрда "Пастдарғом қурилиш моллари" МЧЖ қурилиш корхонаси билан Самарқанд шаҳар Гагарин ва Фирдавсий кўчалари кесишмасида қурилаётган кўп қаватли уйнинг 8-блок, 2-йўлак, 9-қаватидан 60,8 квадрат метрли 2 хонали квартирани тўлиқ таъмирланмаган ва жиҳозланмаган (кириш темир эшиги ва дераза ромлари ойналанган) ҳолда олиш учун опам Гуласал Соатова номидан шартнома туздик, - дейди Н.Норбоев. – Қурилиш корхонаси томонидан уйга сув, газ, электр энергияси ва оқова қувурлари киритилиб, уйнинг деворлари сувоқ қилишга тайёрланган ҳолда топширилади, уйга иситиш қозони, ва газ плитаси ўрнатилади. Шу ҳолатда уйнинг 1 квадрат метр қисми 3 миллион сўм ва тўлиқ нархи 182 миллион 400 минг сўм қилиб белгиланган. Шартномага кўра, уй учун белгиланган маблағнинг 67,71 фоизини, яъни 123 миллион 500 минг сўмни бўнак (!) сифатида ва қолган 58 миллион 900 минг сўмни бир йил давомида бўлиб тўлашга келишдик. Шу асосда, ҳар ойда қурилиш корхонасига 4 миллион 908 минг сўмдан пул тўлашимиз лозим эди.

Бир йил давомида белгиланган тўловларни тўлаб бордик. Карантин ва бошқа сабаблар туфайли белгиланган тўловлар бироз кечиккан пайтлари бўлди. 2020 йил 4 декабрда қурилиш корхонаси раҳбари 2020 йилнинг 13 октябрига қадар 177 миллион 494 минг сўм тўлаганлигим ва шартномага кўра, 15 октябргача тўловларни тўлиқ амалга оширишим лозимлиги, 15 кун муддатда кечиктирилган кунлар, пеня ва ҳар квадрат метр учун қўшимча тўлов сифатида 54 миллион 30 минг сўм тўловни амалга оширмасам шартнома бир томонлама бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантириш хати юборди. 2020 йил 12 декабрда белгиланган охирги 4 миллион 915 минг сўм маблағни тўлаб бўлганимизда қурилиш корхонасига яна асосий қарз учун 9 минг сўм, кечиктирилган кунлар учун 518 минг 364 сўм пеня, ойлик тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун уйнинг ҳар квадрат метр қисмига 800 минг сўмдан 48 миллион 640 минг сўм, жами 49 миллион 149 минг 364 сўм маблағ тўлов қилишимиз кераклигини айтишди.

Нега ахир? Белгиланган тўловлар ўз вақтида тўланмай қолганда ҳар бир квадрат метр учун 800 минг сўмдан тўлов белгиланиши қанчалик асосли? Биз коронавирус пандемияси даврида бироз кечикиб бўлса-да, тўловларни амалга оширдик.

Шартнома тайёрланганда тегишли органлар томонидан унинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текшириладими ёки корхона манфаатлари кўзланган ҳолда тузилган шартномалар оддий одамларга зиён келтирсада қонуний ҳисоблanaверадими? Бу масалада азият чеккан бир мен эмас, биз қатори уй олиш учун муддатли тўловни амалга ошириб, қолган тўловларда кечиккан бошқа фуқаролар ҳам бор. Энди улар ҳам бундай қонуний фирибгарликка қандай ечим топишни билмаяпти.

2-саҳифа »»

Олий таълим ва ёшлар келажагига масъуллар эътиборига!

**Кейинги йилларда ёшларни олий ўқув юртларига кенгроқ жалб қилиш мақсадида ҳар бир олий таълим муассасасида квоталар сони оширилди, табақалаштирилган тўлов-шартнома асосида қўшимча ўринлар ажратилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 2020 йил 4 февралдаги 12-сон баёни билан қўшни давлатлар (Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон)даги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабаларнинг ўқишини кўчиришга рухсат берилди.**

## ТАЛАБАЛАР МУАММОСИ КЎП, улар қачон ҳал этилади?

Қисқаси, олий таълим муассасаларида талабалар сони оширилди. Бу бир томондан яхши, аммо уларнинг ўқиши ва яшаши учун шарт-шароит яратилдими? Талабалар учун қўшимча ўқув хоналари ва ётоқхоналар қурилдими? Дарсликлар кўпайтирилдими?




Шу ҳақда интернетда "Олий ўқув юртларида анъанавий дарслар бошланди. Талабаларни қандай муаммо қийнаяпти?" мавзусида сўровнома ўтказдик.

Сўровномада 2150 нафар талаба иштирок этди. Уларнинг 58 фоизи талабалар ётоқхонасида жой йўқлигини билдирган. 20 фоизи жамоат транспорти қатновидаги муаммолардан азият чекаётган бўлса, 12 фоиз талаба дарсликлар йўқлиги, 10 фоизи эса ўқув хоналари етишмаслигидан қийналаётган экан. Аммо баъзи талабалар сўровномада келтирилган муаммоларнинг ҳаммасидан қийналаётгани, аммо барча жавоблар тўғри, деган вариант берилмаганини ҳам айтди.

### ТАЛАБАЛАР ЁТОҚХОНАСИ ЎҚУВ БИНОСИДАН 12 КИЛОМЕТР УЗОҚЛИКДА ЖОЙЛАШГАН

Бугун Самарқанд шаҳридаги олий таълим муассасаларида талабалар учун тураржой етишмайди, ётоқхоналар сони чекланган. Масалан, Самарқанд ветеринария медицинаси институтида 576 ўринли 2 та талабалар тураржойи мавжуд. 1-сон талабалар тураржойи ўғил болалар учун мўлжалланган бўлиб, 300 ўринга эга. 2-сон талабалар тураржойи қизлар учун 276 ўринга мўлжалланган.

Институтда 6000 нафарга яқин ёшлар таълим олади, демак тураржой билан таъминланиш бўйича қамров 10 фоизга ҳам етмайди.

Айни кунда ҳар икки ётоқхона таъмирталаб аҳволда. 1-сон ётоқхона 2003 йилда вилоятда ўтказилган "Универсиада-2003" муносабати билан жорий таъмирдан чиқарилган, 2-сон ётоқхона эса умуман таъмирланмаган.

2-саҳифа »»

# ТАЛАБАЛАР МУАММОСИ КЎП,

## улар қачон ҳал этилади?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Институт ахборот хизматининг хабар беришича, 2020 йилда институт ётоқхоналари давлат дастури асосида капитал ва жорий таъмирдан чиқарилиши керак бўлган, пандемия ва карантин сабаб иш ортга сурилган. 2021 йилнинг иккинчи чорагидан ётоқхоналар ва институтнинг бош биносида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилиши кўзда тутилган.

Самарқанд давлат тиббиёт институтида 3 та ётоқхона мавжуд бўлиб, улардан бири 500, иккинчиси 200, учинчиси 400 (жами 1100) ўринли. Айни пайтда институтда 800 ўринли ўқув биноси қурилмоқда. Агар бино фойдаланишга топширилса, ўқув бинолардан бири янгисига кўчирилади ва эски ўқув биноси талабалар ётоқхонасига айлантирилиши режалаштирилмоқда. Институтда талабаларнинг умумий сони 6767 нафар (шундан бакалаврлар 5485, магистрлар ва клиник ординаторлар 936, хорижий талабалар 346 нафар)ни ташкил этади.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида бакалавриат, магистратура ва сиртқи таълим йўналишларида таҳсил оладиган талабалар сони 2365 нафар бўлиб, уларга атиги 340 ўринли ётоқхона ажратилган. Талабалар тураржойи ўқув биносидан 12 километр узоқликда жойлашган, яъни талабалар дарсга иккита автобус алмашиб қатнайди.

2014 йилда филиал ҳовлисидан 620 ўринга мўлжалланган талабалар тураржойи қуриш режалаштирилган. Лойиҳага кўра, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги талабалар ётоқхонасини қуришни молиялаштириши керак бўлган. Бироқ, ҳанузгача ушбу қурилиш ортга сурилиб келмоқда.

- Талабалар ётоқхонаси муаммосига биз ҳам ечим излаяпмиз, - дейди филиал директори Зайниддин Қаршиев. – 2014 йилдаги режа амалга ошмаган, шунинг учун Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига таклиф билан чиқдик. Таклифда давлат-хусусий шериклик асосида ўқув биноси ва талабалар тураржойи қуришни айтганмиз. Аммо давлат-хусусий шериклик асосида қурилиш қилсак бўладими, йўқми билмаймиз.

### ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ТАЛАБАЛАР ТУРАРЖОЙИ ЙЎҚ

"Ипак йўли" туризм халқаро университети ташкил бўлганига 3 йил тўлди. Аммо ҳалигача университетда талабалар тураржойи мавжуд эмас.

- Ҳозирча бизга Самарқанд давлат университети 55 ўринли тураржой ажратган. Шундан фойдаланиб турибмиз, - дейди университетнинг жамоатчилик билан алоқалар PR бўлими бошлиғи Наргиза Абдувоҳидова. - Талабаларимиз 1200 нафар атрофида. Биз ётоқхонага узоқ вилоятдан келган, кам таъминланган ёки тураржойга жуда муҳтож талабаларни қўямиз. Университетимиз учун талабалар тураржойи ва сайёҳлар учун меҳмонхона қуриш режалаштирилган. Талабалар тураржойдан фойдаланиш билан бирга меҳмонларга хизмат кўрсатади. Режалаштирилган талабалар тураржойи яқин келажакда қурилишига умидвормиз.



Мисолларни яна давом эттиришимиз мумкин. Вилоятимиздаги деярли барча олий таълим муассасаларида бугун талабалар тураржойи муаммо. Ҳар бир институтда атиги 10-15 фоиз талаба тураржой билан таъминланган. Қолганлари эса ижарада яшайди, ҳам контракт тўлайди.

### ТАЛАБАЛАР ШАҲАРДА ИЖАРА УЧУН ҚАНЧА ПУЛ ТЎЛАЙДИ?

- Талабалар ижара уйнинг шароитига қараб 120 мингдан 250 минг сўмгача тўлайди, - дейди ТАТУ Самарқанд филиали талабаси Тоҳир Айноқулов. – Баъзилари 4 киши 150 долларга ижара уйда туради, улар ижара учун 400 минг сўм атрофида пул сарфлайди. Аммо шунда ҳам квартира топиш жуда қийин.

- Квартира масаласида қийинчилик бўляпти, - дейди Самарқанд давлат университети талабаси Мирфаёз Раззоқов. - Ижарага ҳам уй топилмаяпти. Менинг ўртоқларим Фарғонадан келяпти, икки киши, квартира йўқ. Ҳозир пандемия туфайли одамлар ҳам ижарага олмайди.

- Ётоқхонага асосан узоқ вилоятлардан келганлар жойлаштирилиши керак, - деди Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси. – Аммо бизда Сурхондарё, Қашқадарёдан келганлар ижарада яшайди. Ётоқхонага эса таниш-билишчилик асосида яқин туманлардаги талабалар жойлаштирилган.

Суриштирувимиз чоғида шу нарса маълум бўлдики, талабалар ижарага жой топишда қийналар экан. Айрим уй эгалари 4 кишидан ортиқ турмайсан, ойига 150 доллар тўлайсан, деб талаб қўяди. Талабалар мажбурликдан рози бўлади.

Талабалар ижарага бир ойда ўртача 150-200 минг сўм атрофида пул сарфлайди. Транспортга 1400 сўмдан бориб-келиш 2800 сўмга тушади, яъни қатнашга 70 минг сўм атрофида пул сарфланади. Еб-ичишидан ташқари талаба бир ойда ижара ва транспортга ўртача 220 минг сўм сарфлайди. Агар у ўқув даргоҳига иккита автобус билан борса ёки қимматроқ ижарада турса унда харажати яна ошади.

### ЙЎЛЛАРДАГИ ТИРБАНДЛИКЛАР ТАЛАБАЛАРНИНГ КЕЧИКИБ КЕЛИШИГА САБАБ БЎЛЯПТИ

Талабаларни қийнаётган транспорт муаммоси аслида шаҳар аҳлининг ҳам муаммосидир. Айрим ҳудудларга қатнайдиган автобусларга одам кўплигидан чиқишнинг имкони йўқ. Бунинг устига коронавирус эпидемияси яна тарқала бошлаган бир пайтда аҳоли зич жамоат транспортининг ўзи хавфли. Ҳамманинг ҳам таксида қатнашга имкони йўқ. Асосан талабалар жамоат транспортидан фойдаланишга мажбур. Йўллардаги тирбандликдан ташқари баъзи йўналишларда эрталаб ва кечқурун автобуслар тўла бўлади. Масалан, Қорасув массивига қатнайдиган 35-, 27-рақамли автобуслар пандемия давом этаётган бир пайтда меъёридан ортиқ одам оляпти. Негаки, массивда аҳоли сони кўпаяяпти, автобуслар эса кам. Бунинг устига йўллардаги тирбандликлар ҳам талабаларнинг дарсларга кечикиб боришига сабаб бўлмоқда.

- Йўллардаги тирбандликлар сабаб имтиҳонга 10 минут кечикиб бордим, - дейди Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси. – Аслида йўлга бир соат олдин чиққандим. Кейин мени имтиҳонга қўйишмади, вақтида келмаганинг учун "йиқилдинг" дейишди.

### КУТУБХОНАДА АДАБИЁТЛАР БОР, АММО БОШҚА ТИЛЛАРДА

Сўровномада иштирок этган 12 фоиз талаба мавзуга оид дарсликларнинг йўқлигини айтган. Айрим олий таълим муассасаси раҳбарлари мавзуга оид дарсликлар платформага киритилгани, талабалар ундан электрон тарзда фойдаланиши мумкинлигини айтишди.

- Биз фойдаланиладиган адабиётларни кутубхонадан топсак бўлади, - дейди Самарқанд давлат университети талабаси. – Аммо улар рус тилида, ўзбек тилидагиси йўқ. Кўпинча мавзуга оид адабиётларни интернетдан топамиз ва керакли жойини қоғозга чиқарамиз. Китобнинг электрон вариантини телефондан ўқиш қийин.

- Кутубхонамизда адабиётлар ва ундаги маълумотлар эскириб кетган, - дейди Самарқанд ветеринария медицинаси институти талабаси. – Баъзи китоблардаги эски маълумотлар янгиланиб, 2-3 та китоб қилинган. Аммо ундан ҳамма талабалар фойдалана олмайди. Шунинг учун электрон вариантини олиб ўқиймиз. Бироқ, баъзи адабиётлар ҳамон рус тилида. Биринчи курсда ўқитувчилар ўз фанидан мавзуга оид материалларни китоб қилиб, талабаларга сотарди ва анча даромад қиларди. Институтга янги ректор келгач, бунга чек қўйилди.

- Биз кутубхонамиздан фойдалана олмаймиз, сабаби кечки бўлимда ўқиймиз, - деди Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси. – Кечки пайт кутубхона ёпиқ бўлади, дарсларимиз соат 17:30 дан 20:20 га қадар. Кутубхонадан кундузи фойдалансак бўлади, очиғи ўзимиз бормаймиз. У ерда тарих, она тилига оид дарсликлар бор, бироқ мутахассисликка оид дарсликлар тез-тез янгиланиб турилгани боис, уларни интернетдан оламиз.

Сўровномада иштирок этган талабаларнинг 10 фоизи ўқув хоналари етарли эмаслигини билдирган. Факт ва рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида 2365 нафар талабага 1780 ўринли 3 та ўқув биноси, Самарқанд давлат чет тиллар институтида 6343 нафар талабага 3524 ўринли 4 та ўқув биноси фаолият кўрсатмоқда.

Бугун ўқув хоналарининг етишмаслиги Самарқанд давлат университетида энг катта муаммога айланган. Университетда 27800 нафар талаба учун атиги 9200 ўринли 11 та ўқув биноси мавжуд.

### ТАЛАБАЛАРНИ ЯНА ҚАНДАЙ МУАММОЛАР ҚИЙНАМОҚДА?

**Самарқанд давлат университети талабаси:**

- Талабаларнинг муаммоси биргина тураржой ва дарсликлар эмас. Уларни қийнаётган асосий муаммо – бу контракт пуллари. Кўпчилик талабалар контракт пулларини тўлашга қийналади. Баъзилари домла билан "гаплашиб", ҳафтада икки кун дарсга келади. Қолган кунлари мардикор бозорида ишлайди, ижара, яшашига ўзи пул топади. Ота-онаси бир амаллаб контрактини тўлайди. Улар бошқалар сингари қўшимча дарсларга бормайди, тил ўрганиш курсларига қатнамайди. Билим олишни истайди, аммо имкони йўқ. Имкони борлар инглиз, рус тилларини ўрганяпти. Ҳозир қаерга ишга борманг сиздан нечта тилни билишингизни сўрашади.

**Самарқанд ветеринария медицинаси институти талабаси:**

- Курсимизнинг 50 фоизи якшанба куни мардикор бозорига чиқади. Баъзилари кечқурун юк туширади, кундузи дарсга келади. Бизда давомат қаттиқ назорат қилинади. Талабалар айрим домлаларнинг дарсига кирмайди. Кейин 10 бетлик реферат ёзиб, "нб"дан қутилади. Талабаларнинг кўпчилиги шаҳарда ўқиш, яшаш учун ўзлари пул топади. Контрактнинг қимматлиги ота-оналарни ҳам, талабаларни ҳам қийнаяпти.

**Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси:**

Бизни қийнайдиган муаммо – ўқитувчилар. Кечки бўлимга билимли ўқитувчилар қўйилмаган, баъзилари номига дарс ўтиб кетади. Билмадик, балки кундузгиларга маҳоратли, билимли ўқитувчилар дарс берар, аммо бизга тажрибасиз ўқитувчилар дарс беради.

Бундан ташқари, кечки бўлим талабаларининг кундузи ишлашига рухсат берилмаяпти. Кечки бўлим 100 фоиз контракт асосида ўқийди. Шунингдек, ижарага 250 минг сўм берамиз. Кундузи ишлашга вақтимиз бор, аммо ҳеч қаерга ишга олишмаяпти. Ўтган йили уч ой мактабда ишладим, 800 минг сўм атрофида маош олдим. Уч ойдан сўнг мактаб директори чақириб, «энди сенга ойлик беролмайман, кечки бўлимда ўқийдиганлар ишга олинмасин, деган буйруқ чиққан» деди. Бошқа курсдошларим ҳам худди шундай ишидан ажралди. Агар кечки бўлимда ўқийдиганларнинг ишлашига рухсат берилса жуда яхши бўларди.

### НЕГА ОТМ РАҲБАРЛАРИ ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШМАЙДИ?

Бугун талабаларни қийнаётган муаммоларнинг фақат бир қисмини ёритишга ҳаракат қилдик, холос. Аслида уларнинг муаммолари кўп, аммо ечимини ким ҳал қилади? Ўтган йили олий таълим муассасаларида яхши бир ташаббусга қўл урилганди, яъни ректорлар талабалар билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг муаммосига қулоқ тутаётганди. Бу йил эса ҳали бирор ОТМда бундай тадбир ўтгани ҳақида эшитмадик.

Олий таълим муассасалари раҳбарлари талабалари билан тез-тез учрашиб турса, уларнинг муаммосини ваколати доирасида ҳал қилиш ҳақида ўйласа нур устига нур бўларди.

Шунингдек, контракт асосида ўқиётган талабаларга ҳам ёрдам тариқасида ҳомийлар топиш ёки контракт пулини камайтириш чоралари кўрилиши керак. Ахир ҳафтада икки кун дарсга борадиган талабадан эртага қандай яхши мутахассис чиқади? Биз жаҳон стандартларига мос етук кадрлар тайёрлашни мақсад қилганмиз ва бу ҳақда қонун ҳужжатлари имзоланган. Аммо муаммолар қуршовида таҳсил олаётган талабалардан етук кадрлар чиқишига ким ишонади?

Бундан ташқари, масъул соҳа раҳбарлари олий таълим муассасаларидаги ётоқхоналарга энг биринчи навбатда узоқ вилоятлардан келганлар ва кам таъминланган оила фарзандларини жойлаштиришни ўйлаб кўрса, фойдадан холи бўлмасди.

Энг муҳими, олий таълим муассасаларида қўшимча ўқув бинолари ва ётоқхоналар қурилмаса, келаси йил ушбу муаммолар янада катталашади. Қабул квоталари кўпайтирилаётган бир пайтда талабалар учун шарт-шароитлар яратишни ҳам ўйлайлик.

Дарсликлар мавзусига ҳали қайтамиз.

**Хуршида ЭРНАЗАРОВА,**
**«Зарафшон» мухбири.**

# Қурилишдаги қонуний фирибгарликлар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Харидор ва корхона ўртасида тузилган шартноманинг 2.1 бандида "Харидор"нинг "Объект" қурилишидаги бўнак тўлови танланган квартиранинг ҳар бир квадрат метри учун 3 (уч) миллион сўмга баҳоланади ва майдоннинг умумий миқдори, яъни 60,8 квадрат метрда, умумий суммаси 182 миллион 400 минг (бир юз саксон икки миллион тўрт юз минг) сўмни ташкил этиши белгиланган. Шартноманинг 2.2 бандига кўра, 2.1 бандда кўрсатилган пулнинг 67,71 фоизи, яъни 123 миллион 500 минг сўмни харидор уч кунда тўлаши ва қолган қисми 58 миллион 400 минг сўмни тўлов жадвалига асосан шартнома тузилган санадан кейинги ойдан бошлаб ҳар ойнинг 5-15 санасигача тўлаши шарт. "Харидор" ойлик тўловларни ҳар бир кечиктирилган кун учун ойлик тўловлар тўланмаган суммасини 0.1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня суммаси тўланмаган сумманинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. "Харидор" томонидан ойлик тўловлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда шартноманинг 2.1 бандида шартномадаги ҳар бир квадрат метр учун 800 (саккиз юз) минг сўм қўшимча тўлов тўлаши шарт, акс ҳолда шартнома бир томонлама бекор қилинади.

Шартноманинг мазмунига қарайдиган бўлсак, ҳужжат асосан бир томон манфаатини кўзлаб тузилганлиги ойдинлашади. Чунки қурувчининг мажбуриятидан кўра харидорнинг жавобгарлигига кўп урғу берилган. Бу дегани агарда қурувчи ўз мажбуриятини вақтида бажара олмаса ҳам шартномада унга нисбатан айтарли жавобгарлик кўрсатилмаган. Яна бир жиҳат. Шартномада тўлов кечиктирилганда ҳар бир квадрат метр учун 800 минг сўмдан қўшимча тўлов ундирилиши белгиланган, бу сумма ниманинг ҳисобидан келиб чиққан? Тўғри, банк кредитлари ва бошқа ишга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар туфайли дейилган, лекин бу қанчалик асосли? Шартноманинг 2.2 бандига кўра, пеня тўланмаган сумманинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак. Нега унда харидорга уй учун яна 49 миллион 149 минг 364 сўм тўлаш талаби қўйиляпти, бу тўланмаган сумманинг деярли 90 фоизи-ку, шартномада эса 50 фоизидан ошмаслиги белгиланган.




Яна ўша шартноманинг 4.1 бандида "Объект"ни Давлат қабул комиссиясига топшириш муддати 3 (уч) ойдан ўтиб кетса "Жамият" "Харидор"га ҳар бир кечиктирилган кун учун уй нархининг 0.1 фоизи миқдорида пеня тўлаши, лекин пеня тўлаш муддати 6 (олти) ойдан ошиб кетмаслиги лозимлиги кўрсатилган. Эътибор бердингизми, уйни топшириш олти ойдан ошса жамият пеня тўлайди, харидор эса ҳар бир кечиктирилган кун учун пеня тўлайди. Бу ерда кимнинг манфаати кўпроқ?

Уй олди-берди ҳужжатларида яна бир жиҳат эътиборимизни тортди. Агарда харидор уйни олишдан бош тортса маблағнинг 10 фоизи ушлаб қолинади. Демак, дастлаб кичик хатога эътибор қилинмайди, кейин эса ўша хатолар жамланиб катта маблағга айланади. Оддий айтганда, жамият харидорнинг маблағидан бир йил давомида беминнат фойдаланган ва энди уй учун яна қарийб 50 миллион сўм қўшимча тўлов талаб қиляпти. Бу қайси тарозига тўғри келади? Қонуний кучга эга ҳужжат бор, лекин бу ҳужжат қайси ҳуқуқий орган ёки истеъмолчи манфаатини ҳимоя қилувчи ташкилот билан келишилади?

- Бундай ҳолатга тушган биргина мен эмас, ўша корхонадан уй олган жуда кўп мижозлар вазиятдан норози, - дейди Н.Норбоев. – Қурилиш корхонаси бир йил давомида мижозларнинг каттагина маблағини ишлатиб, энди яна қўшимча тўлов талаб қиляпти. Мен 9-қаватдаги таъмирланмаган ва жиҳозланмаган уйга тўлов қилганман. Қўшимча тўлов сабаб пулимизни қайтариб олиш учун ариза ёздик. Қурилиш корхонаси тўлаган маблағимизнинг 10 фоизини ушлаб қолиб, қолганини 60 кун ичида банк пластик карточкасига тушириб бераркан.

Англаганингиздек, қурилиш корхонаси мижозларнинг маблағидан фойдаланиб қурилишни амалга оширган ва энди қўшимча тўлов талаб қилмоқда, агарда мижоз тўловдан бош тортса маблағнинг 10 фоизи ушлаб қолинади ва ўша пайтда квадрат метри 3 миллион сўм бўлган уй ҳозирги бозор нархида бошқа мижозга сотилади. Бу халқ тилида "энидан ҳам, бўйидан ҳам уриш" дейилади. Қурилишдаги бу каби қонуний фирибгарликларга ечим топиладими?

**Ўктам ХУДОЙБЕРДИЕВ.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** *Мақола чоп этилиш арафасида вилоят қурилиш бошқармаси ахборот хизматининг ижтимоий тармоқлар орқали тарқатган маълумотига кўра, Самарқанд шаҳридаги Фирдавсий кўчаси 84-манзилда қурилган янги кўп қаватли уй шаҳарнинг тарихий муҳофаза зонасида жойлашганлиги сабаб 7 қаватдан юқори қисми буюртмачи томонидан бузилар экан.*

*"Пастдарғом қурилиш моллари" МЧЖ томонидан қурилган ушбу кўп қаватли уй Республика ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилиб, Самарқанд шаҳри тарихий марказининг муҳофаза ҳудудида жойлашганлиги сабабли 8-9 қаватлари бузилиши белгиланган. Қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ якунланмаганлиги ва Республика ишчи гуруҳи томонидан қўйилган талаб бажарилмаганлиги боис мазкур объект инспекция томонидан фойдаланишга қабул қилинмаган.*

*Самарқанд шаҳар ҳокимлиги томонидан 2019 йил 13 мартда шаҳар иқтисодий судига бинонинг 8-9-қаватларини бузиш тўғрисида даъво аризаси киритилган. Суднинг 2019 йил 8 майдаги ажрими билан иш юритиш тугатилган.*

*Маданият вазирлиги ҳамда "ТошкентбошпланЛИТИ" ДУК билан биргаликда бино баландлиги ҳамда шаҳарсозлик нормаси бўйича хулоса берилган. Бинони бузиш бўйича буюртмачи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда мулк эгаси томонидан бузилиш белгиланган.*

*Энди бир савол: Самарқанд шаҳар ҳокимлиги 7 қаватга рухсат берган, суд ажрим чиқарган, республика ишчи гуруҳининг талаби бажарилмаган. Яна 2019 йилнинг 14 ноябрида объектнинг 9-қаватидан уйни сотиш бўйича шартнома имзоланган. Қурувчи очиқчасига ўзбошимчалик билан бўлса-да, қурилган 8-9 қаватларни бузолмайсизлар демоқчими ёки..?*

**Алкоголь ва гиёҳванд моддаларга қарамлик қандай оқибатларга олиб келишини кўпчилик яхши билади. Энг ёмони бундай қарамлик фақатгина ўша инсонга эмас, унинг оила аъзоларига ҳам руҳий, моддий, маънавий таъсир ўтказади. Бир инсоннинг ўз вақтида турли алкоголь, гиёҳванд ёки токсик маҳсулотларга қарам бўлиб қолишининг олдини олмаслик эса аввал оила, кейинроқ бутун жамиятга ўз салбий таъсирини кўрсатади.**

# Зарур бўлса, мажбурий даволаймиз

Касалликнинг олдини олиш, бу каби қарамликнинг салбий оқибатлари ҳақида диспансер шифокорлари томонидан доимий равишда тарғибот тадбирлари ўтказилади. Ўтган йил давомида таълим муассасалари, маҳаллаларда, оммавий ахборот воситалари орқали мингдан зиёд тушунтириш ишлари, бу иллатнинг салбий оқибатлари ҳақида фикрлар билдирилди, видеороликлар, кўргазмалар намойиш этилди.

Ўтган йил давомида диспансерга интернет ва телефон тармоқларидан 2207 та мурожаат келиб тушган. Хусусан, беморлар қариндошлари томонидан сурункали алкоголизм касаллиги бўйича маслаҳат сўралган 1447 та мурожаат қайд этилди. Наркологик беморларни стационарга жойлаштириш юзасидан мурожаатлар 297 та бўлди.

Шунингдек, диспансер шифокорлари томонидан оилавий муносабатлар, оиладаги зўравонлик билан боғлиқ вазиятлар ва бошқа ҳолатлар юзасидан 24 нафар мурожаатчига психологик маслаҳат берилди.

Диспансерда рўйхатда турувчи беморларнинг барчаси тиббиёт ходимлари томонидан уйида тиббий кўрикдан ўтказилади. Гарчи кейинги йилларда гиёҳвандлик воситаларига қарамлик сони кескин камайган бўлса-да, афсуски, алкоголь маҳсулотларига боғланиб қолиш ҳолатлари кўпайган.

Алкоголь, гиёҳванд воситаларига қарамликка чалиниб, зўравонлик содир этаётган шахсларни суд қарори билан мажбурий даволаш ишлари ҳам амалга оширилади.

**Санжар БАЙМИРОВ,**
**вилоят наркология диспансери врач-нарколог.**

# «CAPITAL REALTOR GROUP»

## масъулияти чекланган жамияти очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

**«Capital Realtor Group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2021 йил 24 февраль куни соат 11:00 да объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Самарқанд вилоят «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамияти акциядорларининг 3.12.2020 йилдаги 24-сонли навбатдан ташқари умумий йиғилиш баёнига ва Самарқанд вилоят «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятининг 14.01.2021 йилдаги буюртма хатига асосан қуйидаги мулклар савдога қўйилмоқда:**

**1. Самарқанд вилоят “Агрокимёҳимоя” ҲАЖ Иштихон туман филиалига тегишли:**

- Иштихон тумани Одил қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1072,26 кв.м., қурилиш ости майдони 709,82 кв.м., фойдали майдони 681,53 кв.м. бўлган “Ўғит омборхонаси” биноси. Бошланғич нархи 982 120 950 сўм.

- Иштихон тумани Нусибкор қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1820,0 кв.м., қурилиш ости майдони 338,50 кв.м., фойдали майдони 304,59 кв.м. бўлган “Ўғит омборхонаси” биноси. Бошланғич нархи 571 487 400 сўм.

- Иштихон тумани Қирқйигит қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 1552,55 кв.м., қурилиш ости майдони 617,83 кв.м., фойдали майдони 566,38 кв.м. бўлган “Ўғит омборхонаси” биноси. Бошланғич нархи 976 000 590 сўм.

**2. Самарқанд вилоят “Агрокимёҳимоя” ҲАЖ Каттақўрғон туман филиалига тегишли:**

- Каттақўрғон тумани Қиёт қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1445,37 кв.м., қурилиш ости майдони 384,08 кв.м., фойдали майдони 339,48 кв.м. бўлган “Пахтакор минерал ўғит тарқатиш шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 446 275 980 сўм.

- Каттақўрғон тумани Кадан қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1518,65 кв.м., қурилиш ости майдони 458,41 кв.м., фойдали майдони 385,09 кв.м. бўлган “Минерал ўғит тарқатиш шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 662 339 430 сўм.

- Каттақўрғон тумани Каттаминг қишлоғида жойлашаган, умумий ер майдони 2426,77 кв.м., қурилиш ости майдони 1613,07 кв.м., фойдали майдони 1538,17 кв.м. бўлган “М.Султонов номли минерал ўғит тарқатиш шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 1 982 339 730 сўм.

- Каттақўрғон тумани Қипчоқравот қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 2820,37 кв.м., қурилиш ости майдони 514,36 кв.м., фойдали майдони 385,09 кв.м. бўлган “Қорадарё минерал ўғит тарқатиш шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 922 547 880 сўм.

- Каттақўрғон тумани Қўштепа қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 2 634,39 кв.м., қурилиш ости майдони 442,14 кв.м., фойдали майдони 176,41 кв.м. бўлган “Ўзбекистон минерал ўғит тарқатиш шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 315 861 120 сўм.

- Каттақўрғон тумани Мулла кичкина қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1619,31 кв.м., қурилиш ости майдони 281,60 кв.м., фойдали майдони 265,44 кв.м. бўлган “Зарафшон минерал ўғит тарқатиш шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 342 764 460 сўм.

**3. Самарқанд вилоят “Агрокимёҳимоя” ҲАЖ Оқдарё туман филиалига тегишли:**

- Оқдарё тумани Олчин қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 925,21 кв.м., қурилиш ости майдони 304,72 кв.м., фойдали майдони 255,92 кв.м. бўлган “1-сонли шохобча” биноси. Бошланғич нархи 497 695 590 сўм.

- Оқдарё тумани Навоий қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 2906,21 кв.м., фойдали майдони 1095,53 кв.м. бўлган “2-сонли шохобча” биноси. Бошланғич нархи 1 461 645 810 сўм.

- Оқдарё тумани Авазали қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 3514,67 кв.м., қурилиш ости майдони 475,03 кв.м., фойдали майдони 355,37 кв.м. бўлган “6-сонли шохобча” биноси. Бошланғич нархи 736 230 060 сўм.

- Самарқанд тумани Чорбоғ-2 қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1527,12 кв.м., қурилиш ости майдони 782,44 кв.м., фойдали майдони 751,90 кв.м. бўлган “Омборхона” биноси. Бошланғич нархи 732 398 760 сўм.

**4. Самарқанд вилоят “Агрокимёҳимоя” ҲАЖ Паст Дарғом туман филиалига тегишли:**

- Паст Дарғом тумани Тўқбой МФЙ А.Навоий массивида жойлашган, умумий ер майдони 1540 кв.м., қурилиш ости майдони 603,75 кв.м. бўлган “5-сонли А.Навоий номли минерал ўғит тарқатиш шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 576 195 930 сўм.

- Паст Дарғом тумани Уску маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1483 кв.м., қурилиш ости майдони 1052,75 кв.м. бўлган “15-сонли Машъал минерал ўғит тарқатиш шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 737 191 530 сўм.

- Паст Дарғом тумани Санчиқул маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 3712,9 кв.м., қурилиш ости майдони 867,58 кв.м., фойдали майдони 1319,66 кв.м. бўлган “9-сонли Бобур номли минерал ўғит тарқатиш шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 1 017 522 810 сўм.

- Паст Дарғом тумани Боғанали маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1939 кв.м., қурилиш ости майдони 271,14 кв.м. бўлган “4-сонли Зарафшон минерал ўғит тарқатиш шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 276 713 010 сўм.

- Паст Дарғом тумани Хончорбоғ маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 228,75 кв.м., қурилиш ости майдони 228,00 кв.м. бўлган “1-сонли А.Яссавий номли минерал ўғит тарқатиш шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 198 825 840 сўм.

- Паст Дарғом тумани Илм маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1085 кв.м., қурилиш ости майдони 453,70 кв.м. бўлган “10-сонли Илм минерал ўғит тарқатиш шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 409 271 940 сўм.

- Паст Дарғом тумани Беклар маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1514,90 кв.м., қурилиш ости майдони 391,18 кв.м. бўлган “6-сонли Шарқ юлдузи минерал ўғит тарқатиш шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 392 379 390 сўм.

- Паст Дарғом тумани Жағалбойли маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1762,40 кв.м., қурилиш ости майдони 642,10 кв.м. бўлган “14-сонли Ўзбекистон минерал ўғит тарқатиш шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 517 600 530 сўм.

- Паст Дарғом тумани Янгиравот маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1319,70 кв.м., қурилиш ости майдони 501,75 кв.м. бўлган “8-сонли ал-Хоразмий номли минерал ўғит тарқатиш шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 412 490 070 сўм.

- Паст Дарғом тумани Янгисаноат маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1811,30 кв.м., қурилиш ости майдони 679,30 кв.м. бўлган “3-сонли Дўстлик минерал ўғит тарқатиш шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 677 174 580 сўм.

- Паст Дарғом тумани Зангибойи маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 2296,96 кв.м., қурилиш ости майдони 841,11 кв.м. бўлган “13-сонли Қ.Тўраев номли минерал ўғит тарқатиш шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 606 880 350 сўм.

**5. Самарқанд вилоят “Агрокимёҳимоя” ҲАЖ Жомбой филиалига тегишли:**

- Жомбой тумани Нўш қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1468 кв.м., қурилиш ости майдони 1146,90 кв.м., фойдали майдони 1092,53 кв.м. бўлган “Ҳақиқат шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 730 217 430 сўм.

- Жомбой тумани Еттиуруғ қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1379,20 кв.м., қурилиш ости майдони 835,47 кв.м., фойдали майдони 798,16 кв.м. бўлган “Гулистон шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 555 300 360 сўм.

- Жомбой тумани Қўштепа қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 877 кв,м., қурилиш ости майдони 499,43 кв.м., фойдали майдони 450,34 кв.м. бўлган “Зарафшон шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 334 517 850 сўм.

- Жомбой тумани Оққовун қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 6700 кв.м., қурилиш ости майдони 172,81 кв.м., фойдали майдони 138,99 кв.м. бўлган “Эсонтурдиев номли шохобча” биноси. Бошланғич нархи 917 192 160 сўм.

**6. Самарқанд вилоят “Агрокимёҳимоя” ҲАЖ Нарпай туман филиалига тегишли:**

- Нарпай тумани Наврўз маҳалласи Ўзбекистон массивида жойлашган, умумий ер майдони 1803,74 кв.м., қурилиш ости майдони 388,96 кв.м., фойдали майдони 340,65 кв.м. бўлган “Ўзбекистон ўғит тарқатиш шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 329 067 360 сўм.

- Нарпай тумани Оқолтин маҳалласи Оқолтин массивида жойлашган, умумий ер майдони 1866,39 кв.м., қурилиш ости майдони 771,30 кв.м., фойдали майдони 681,96 кв.м. бўлган “Ибн Сино номли ўғит тарқатиш шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 578 723 130 сўм.

- Нарпай тумани Сарбозор маҳалласи Ғалаба массивида жойлашган, умумий ер майдони 1271,75 кв.м., қурилиш ости майдони 519,80 кв.м., фойдали майдони 469,52 кв.м. бўлган “Ғалаба ўғит тарқатиш шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 437 219 370 сўм.

- Нарпай тумани Ўзбеккенти маҳалласи Ҳақиқат массивида жойлашаган, умумий ер майдони 1487,66 кв.м., қурилиш ости майдони 409,54 кв.м., фойдали майдони 364,28 кв.м. бўлган “Ҳақиқат ўғит тарқатиш шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 343 830 420 сўм.

**7. Самарқанд вилоят “Агрокимёҳимоя” ҲАЖ Булунғур туман филиалига тегишли:**

- Булунғур тумани Ҳ.Олимжон массивида жойлашган, умумий ер майдони 537 кв.м., қурилиш ости майдони 496,90 кв.м. бўлган “Ўғит омборхонаси” биноси. Бошланғич нархи 346 112 190 сўм.

- Булунғур тумани М.Улуғбек массивида жойлашган, умумий ер майдони 3933 кв.м., қурилиш ости майдони 435,40 кв.м., фойдали майдони 381,90 кв.м. бўлган “Ўғит омборхонаси” биноси. Бошланғич нархи 286 319 610 сўм.

**8. Самарқанд вилоят “Агрокимёҳимоя” ҲАЖ Тойлоқ туман филиалига тегишли**, Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани Боғизағон маҳалласи Тожикравот қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 2 887 кв.м., қурилиш ости майдони 677,90 кв.м., фойдали майдони 604,94 кв.м. бўлган “Минерал ўғит омборхонаси” биноси. Бошланғич нархи 560 635 020 сўм.

**9. Самарқанд вилоят “Агрокимёҳимоя” ҲАЖ Пайариқ туман филиалига тегишли:**

- Пайариқ тумани Муҳаммади маҳалласи Муҳаммади қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 2 260 кв.м. бўлган “Омборхона биноси”. Бошланғич нархи 407 085 750 сўм.

- Пайариқ тумани Жавшар ота маҳалласи Еттиуруғ қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 596,60 кв.м., қурилиш ости майдони 278,64 кв.м., фойдали майдони 237,70 кв.м. бўлган “Шохобча биноси”. Бошланғич нархи 198 387 630 сўм.

- Пайариқ тумани Маданият маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 942 кв.м., қурилиш ости майдони 525,51 кв.м., фойдали майдони 467,87 кв.м. бўлган “Омборхона биноси”. Бошланғич нархи 425 120 400 сўм.

- Пайариқ тумани Хўжа Исмоил маҳалласи Хўжа Исмоил қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1450 кв.м., қурилиш ости майдони 313,60 кв.м., фойдали майдони 284,40 кв.м. бўлган “Омборхона биноси”. Бошланғич нархи 258 505 830 сўм.

- Пайариқ тумани Баҳрин маҳалласи Баҳрин қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 3755,08 кв.м., қурилиш ости майдони 1580,68 кв.м., фойдали майдони 1516,66 кв.м. бўлган “Омборхона биноси”. Бошланғич нархи 1 118 102 940 сўм.

- Пайариқ тумани Туркибола маҳалласи Туркибола қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 693,04 кв.м., қурилиш ости майдони 390 кв.м., фойдали майдони 348 кв.м. бўлган “Шохобча биноси”. Бошланғич нархи 275 469 660 сўм.

**10. Самарқанд вилоят “Агрокимёҳимоя” ҲАЖ Ургут туман филиалига тегишли:**

- Ургут тумани Қуйи Алгар маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1121,48 кв.м., қурилиш ости майдони 723,42 кв.м., фойдали майдони 656,06 кв.м. бўлган “Кимёвий ўғитлар сақлаш омборхонаси” биноси. Бошланғич нархи 604 290 780 сўм.

- Ургут тумани Кенагас маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 3904,34 кв.м., қурилиш ости майдони 377,33 кв.м., фойдали майдони 333,53 кв.м. бўлган “Кимёвий ўғитлар сақлаш омборхонаси” биноси. Бошланғич нархи 358 097 760 сўм.

- Ургут тумани Қуйиқишлоқ маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 2038,19 кв.м., қурилиш ости майдони 663 кв.м., фойдали майдони 615,89 кв.м. бўлган “Кимёвий ўғитлар сақлаш омборхонаси” биноси. Бошланғич нархи 603 441 900 сўм.

**11. Самарқанд вилоят “Агрокимёҳимоя” ҲАЖ Пахтачи туман филиалига тегишли:**

- Пахтачи тумани собиқ Хайиробод ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 1498 кв.м., қурилиш ости майдони 452,80 кв.м., фойдали майдони 392,76 кв.м. бўлган “3-сонли Оқтепа шохобчаси” биноси. Бошланғич нархи 201 165 120 сўм.

- Пахтачи тумани Тома маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 646 кв.м., қурилиш ости майдони 343 кв.м., фойдали майдони 284,73 кв.м. бўлган “1-сонли Охунбобоев номли шохобча” биноси. Бошланғич нархи 134 352 270 сўм.

- Пахтачи тумани собиқ Пўлатчи ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 917 кв.м., қурилиш ости майдони 374 кв.м., фойдали майдони 300,58 кв.м. бўлган “7-сонли Рўзиқул Маҳманов номли шохобча” биноси. Бошланғич нархи 202 983 570 сўм.

- Пахтачи тумани Янги Диёр ЖУТ массивида жойлашган, умумий ер майдони 1646 кв.м., фойдали майдони 765,76 кв.м. бўлган “5-сонли Зарафшон шохобчаси” (омборхона) биноси. Бошланғич нархи 207 470 160 сўм.

- Пахтачи тумани собиқ Хумор ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 3306,3 кв.м., қурилиш ости майдони 452,8 кв.м., фойдали майдони 392,76 кв.м. бўлган “6-сонли Шамс Назаров номли шохобча” биноси. Бошланғич нархи 240 310 800 сўм.

Ушбу кўчмас мулклар билан тегишли филиал вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунлари шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 17:00 гача Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 2-қават, 1-хонада қабул қилинади (тушлик 13:00 дан 14:00 гача). Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда, яъни, 2021 йил 22 февраль куни соат 15:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: Ҳ/р: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Савдо ғолибига савдо ўтган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслар фуқаролик паспорт нусхаси, юридик шахслар эса жамият гувоҳномаси, низоми ва ваколатли шахснинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси ҳамда ишончнома асосида ваколатли шахс қатнашган тақдирда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончноманинг асл нусхаси тақдим қилинади.

**Савдо ўтказилиш, талабгорлардан аризаларни қабул қилиш ҳамда қўшимча маълумот олиш учун манзил:**
Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 2-қават.
**Телефон:** 93-355-74-06.
**Веб-сайт:** realtgroup.uz
**E-mail:** info@realtgroup.uz.
*Хизматлар лицензияланган.*

---

**Самарқанд ветеринария медицинаси институти қуйидаги вакант лавозимларга танлов асосида**

# ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**КАФЕДРА МУДИРЛИГИГА:**

- ички юқумсиз касалликлар кафедраси;
- ветеринария жарроҳлиги ва акушерлик кафедраси;
- ветеринария-санитария экспертизаси ва гигиена кафедраси;
- қоракўлчилик, йилқичилик ва ипакчилик кафедраси;
- гуманитар фанлар, маданият ва жисмоний тарбия кафедраси.

**КАФЕДРА ДОЦЕНТЛИГИГА:**

- парранда, балиқ, асалари ва мўйнали ҳайвонлар касалликлари кафедраси;
- ўсимликшунослик ва ем-хашак етиштириш кафедраси.

**КАФЕДРА КАТТА ЎҚИТУВЧИЛИГИГА:**

- ҳайвонлар физиологияси, биокимёси ва патологик физиологияси кафедраси;
- ички юқумсиз касалликлар кафедраси;
- табиий ва илмий фанлар кафедраси.

**КАФЕДРА АССИСТЕНТЛИГИГА:**

- парранда, балиқ, асалари ва мўйнали ҳайвонлар касалликлари кафедраси;
- ветеринария жарроҳлиги ва акушерлик кафедраси;
- ҳайвонлар анатомияси, гистология ва патологик анатомия кафедраси;
- фармакология ва токсикология кафедраси;
- ветеринария-санитария экспертизаси ва гигиена кафедраси;
- паразитология ва ветеринария ишини ташкил этиш кафедраси;
- ҳайвонлар физиологияси, биокимёси ва патологик физиологияси кафедраси;
- ҳайвонларни озиқлантириш технологияси кафедраси;
- қоракўлчилик, йилқичилик ва ипакчилик кафедраси;
- қорамолчилик, паррандачилик ва балиқчилик кафедраси;
- биотехнология кафедраси;
- чорвачилик ва ўсимлик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш технологияси кафедраси;
- эпизоотология, микробиология ва вирусология кафедраси.

**КАФЕДРА ЎҚИТУВЧИЛИГИГА:**

- табиий ва илмий фанлар кафедраси;
- ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси (рус тили);
- ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси (инглиз тили);
- ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси (немис тили).

Ҳужжатлар (ариза, шахсий варақа, 2 дона фотосурат, таржимаи ҳол, олий маълумоти, илмий даражаси ва унвонлари ҳақидаги дипломлар нусхалари, охирги марта малака оширганлиги тўғрисидаги ҳужжат, илмий ишлар рўйхати) ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой муддат ичида қабул қилинади.

**Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-уй, ходимлар бўлими. Телефон: 66-234-93-73.**

---

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА**

Паст Дарғом туман давлат хизматлари марказидан 2019 йил 5 сентябрда 757732 реестр рақами билан рўйхатга олинган «AMIR GRAND METALL GROUP» хусусий корхонаси (қисқартирилган номи: «AMIR GRAND METALL GROUP» ХК) ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

**Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Паст Дарғом тумани Кимёгарлар маҳалласи.**

Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306684767.

* * *

Булунғур туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Салимов Отабек Мамаюсупович нотариал идорасида марҳум Салимов Юнус Рахманкуловичга (2017 йил 9 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Салимов Отабек Мамаюсупович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Булунғур шаҳри Мустақиллик майдони.**

* * *

Оқдарё туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Садуллаев Жамшидхон Сафохонович нотариал идорасида марҳум Саидов Абдирахим Очиловичга (2016 йил 20 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Садуллаев Жамшидхон Сафохонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Оқдарё тумани Лойиш шаҳарчаси Амир Темур кўчаси.**

* * *

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Набиева Наргиза Қаҳрамоновна нотариал идорасида марҳум Равшанов Джоназакга (2007 йил 14 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Набиева Наргиза Қаҳрамоновна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Ургут шаҳри Навоий шоҳкўчаси.**

* * *

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Қўшработ саноат ва сервис касб-ҳунар коллежидан 2013 йилда Неъматова Гулноза Бахтиёр қизи номига берилган рўйхат рақами 363, К № 0270627 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилояти халқ таълими фахрийлари уюшмаси Жомбой туман бўлимининг (СТИР: 202878284) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 14-ўрта мактабдан 1993 йилда Боғирова (ҳозирда Хасанова) Азиза Исроиловна номига берилган А № 206899 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги «AMINJONOVICH STROY» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 306630564) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат университети 2-сон академик лицейидан 2015 йилда Анварова Наргиза Анваровна номига берилган рўйхат рақами 397, L № 241342 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд педагогика коллежидан 2008 йилда Исмоилова Муяссар Хонимкуловна номига берилган рўйхат рақами 643, К № 0959643 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги 44-ўрта мактабдан 1998 йилда Аламов Шухрат Анатолиевич номига берилган O‘R-A № 401257 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Жомбой туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Баймуратова Мафтуна Ражаббоевна номига берилган O`R-SH № 0604086 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат университетидан 2009 йилда Жураева Сурайё Толибжоновна номига берилган рўйхат рақами 1904, В № 463425 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

**ҲАҚИҚИЙ ҲИСОБЛАНМАЙДИ!**

«Зарафшон» газетасининг 2021 йил 21 январь 8-сони 3-саҳифасида «БЕКОР ҚИЛИНАДИ» сарлавҳаси остида Самарқанд педагогика билим юртидан 1993 йилда Каржабова (ҳозирда Бўтаева) Мархабо Облоқуловна номига берилган рўйхат рақами 0419, ПТ-I № 126292 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилиниши ҳақида эълон чоп этилганди. Диплом топилганлиги сабабли ушбу эълон ҳақиқий ҳисобланмайди.

---

Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси шаҳар 1-сон болалар шифохонаси бош врачи Тозагул Холиқовага онаси **Рўзибуви ХОЛИҚОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

---

Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1-клиникаси маъмурияти, институт анестезиология-реанимация кафедраси ва анестезиология бўлими жамоаси анестезиология-реанимация кафедраси мудири Мансур Матлубовга ўғли **Саиднуриддинхон МУРОДХОНОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

# Қизилқуёшлик дўхтир

**Саломатлигимиз йўлида ҳузур-ҳаловатидан кечиб, туну кун хизмат қилаётган шарафли касб эгалари – шифокорларни ҳар қанча улуғласак арзийди. Айниқса, уларнинг пандемия даврида касалликка қарши курашдаги жасорати таҳсинга сазовор.**

«««« Тўйхат ўрнида »»»»



Лавҳамиз қаҳрамони, бугун сермазмун умрининг олтмишинчи баҳорини қарши олаётган Қаюм Азимов ҳам обрў-эътиборни шу шарафли касбда фидокорона меҳнат қилиб топди. Меҳнатсеварлиги, хушмуомалалиги, камтарлиги, ташкилотчилиги, касбга садоқати билан жамоаси, туман аҳлининг меҳрини қозонди.

Қ.Азимов 1961 йилда Нурободнинг Қизилқуёш қишлоғида туғилди. 1978 йилда мактабни аъло баҳоларга тугатиб, Самарқанд тиббиёт институтининг педиатрия факультетига ўқишга кирди. Зукко устозлардан тиббиёт ва беморларни даволаш сирларини қунт билан ўрганди. 1984 йилда олий ўқув юртини битиргач, шу институтнинг 1-сон клиникасида амалиёт ўтаб, тажриба орттирди. 1985 йилдан Нуробод туман тиббиёт бирлашмасида жарроҳ сифатида иш бошлади. Кейинчалик вилоят 1-сон шифохонасида фаолиятини давом эттирди. 1989 йилда анестезиология ва реаниматология мутахассислиги бўйича махсус машғулотларда тажриба орттиргач, туман тиббиёт бирлашмасида шу вазифада ишлади. Сўнгра 2000 йилга қадар анестезиология ва реаниматология бўлими мудири, даволаш ишлари бўйича бош врач ўринбосари лавозимида фидокорона меҳнат қилди.

Қ.Азимовнинг ташкилотчилик ва раҳбарлик иқтидори у 2004-2010 йилларда туман тиббиёт бирлашмаси бош врачи бўлиб ишлаганида янада яққол намоён бўлди. Аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш, соҳа моддий-техника базасини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшди, кадрлар билан ишлаш имкониятларидан оқилона фойдаланди. Сепки, Чўнқаймиш, Саҳоба, Дарайтут, Нурбулоқ қишлоқ врачлик пунктлари ўз биносига эга бўлди. Аҳоли, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш дастури доирасида Сазағон, Оқсой, Жом, Ағрон, Тим, Жаркудуқ қишлоқ-участка шифохоналари «Дамас» тез тиббий ёрдам машиналари билан таъминланди. Туман тиббиёт ходимларининг аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилди.

Қ.Азимов турмуш ўртоғи Гулшод Арабова билан тўрт ўғил, икки қизни эл-юртга муносиб қилиб тарбиялашди.

- Мен аҳоли саломатлиги йўлида хизмат қилаётганим, тиббиёт соҳасида изчил амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этаётганимдан мамнунман, - дейди айни пайтда Нуробод туман тиббиёт бирлашмаси жонлантириш бўлими мудири Қаюм Азимов.

Фидокорона меҳнати билан ибратли фаолият кўрсатаётган моҳир шифокорни – табаррук ёши билан табриклаб, унга сиҳат-саломатлик, эл саломатлиги йўлидаги ишларида муваффақият тилаймиз.

**Зоир КЕНГБОЕВ,**
**Нуробод туман тиббиёт бирлашмаси жарроҳи.**

**А.Пушкин номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институти Турон фанлар академияси Самарқанд минтақавий бўлими ташаббуси билан "Адабий дўстлик – абадий дўстлик" мавзусида тадбир ташкил этилди.**

# 6 нафар самарқандлик Турон фанлар академияси аъзоси бўлди

Унда Турон фанлар академияси ва унинг қошидаги "Turon nashr" нашриёти ҳамда "Turon ta'lim markazi" матбааси фаолияти ҳақида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, академия томонидан турли фан соҳалари вакиллари – юқори малакали олим ва иқтидорли мутахассислар миллати, фуқаролиги, яшаш жойи, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар маънавий рағбатлантирилмоқда. Уларга "Академик" (ҳақиқий аъзо) ҳамда "Фахрий академик" (фахрий аъзо), "Фахрий профессор", "Фахрий доцент", "Етакчи илмий ходим", "Катта илмий ходим", "Илмий ходим" ва "Кичик илмий ходим" каби илмий унвонлар ҳамда "Фахрий фан доктори", "Фахрий фан номзоди" илмий даражалари бериляпти.

- Академиянинг 18 мамлакатдан 400 нафарга яқин аъзоси бор, - дейди Турон фанлар академияси президенти Ҳ.Бобобеков. – Уларнинг 4 нафари давлат раҳбари. Бугун Самарқанд минтақавий бўлимидан номзодлар – Ҳасан Нормуродов, Эркин Қайтаров, Хўроз Абдусаломов, Қамар Муаззамов, Раҳим Авазов, Сайфулла Абдуллаев академия аъзоси бўлди ва уларга диплом, кўкрак нишони ва гувоҳномалар тантанали топширилди.

Тадбирда "Turon ta'lim markazi" матбаасида чоп этилган янги китоблар тақдимоти ҳам ташкил этилди.

**Тўлқин СИДДИҚОВ.**



## Мустақиллик йиллари Самарқандда

**1993 йил январь**

Самарқандда халқаро телефон алоқа станцияси ишлай бошлади.

Самарқанд шаҳрида 35 та талабалар ётоқхонаси бўлиб, унда 13 минг 645 нафар талаба яшайди.

Самарқанд давлат университети қошида мактаб-лицей иш бошлади.

**февраль**

Самарқандга Япониянинг "Бразер" фирмасидан 50 та тикув машинаси, Италиядан замонавий дастгоҳлар, Олмониядан гул босиш машиналари келтирилди.

20 февраль куни Украина Бош вазири Леонид Кучма бошлиқ ҳукумат делегацияси Самарқандда бўлди. Уларга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Муталов ҳамроҳлик қилди.

**март**

19 март куни Россия Федерацияси Вазирлар Кенгашининг раиси Виктор Черномирдин бошлиқ давлат делегацияси Ислом Каримов ҳамроҳлигида Самарқандга келди.

**май**

Самарқанд туманида бу йил 3200 гектар ерда ғалла экилди.

Самарқанд молия техникуми республикада биринчи молия коллежига айлантирилди.

Самарқанддаги тинчлик ва бирдамлик музейига Япониянинг Хиросима шаҳридан йирик компания президенти Ясидо бошлиқ Бутунжаҳон Тинчлик ташкилоти аъзолари ташриф буюрди.

25 май куни вилоят ҳокими П.Абдураҳмонов фармойишига кўра, Нуробод тумани ҳокими Сирож Холбозоров вазифасидан озод этилди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Тошбўри Қиличев Нуробод тумани ҳокими этиб тайинланди.

**июнь**

Самарқанддаги "Ҳужум" пиллакашлик фабрикаси "Афғон-Бухоро корпорейшн ЛТД" фирмаси билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

Самарқандга Туркиядан "Доган" русумли 14 та янги такси машинаси келтирилди.

«««« Мулоҳаза учун мавзу »»»»

**Уй шароитида даволаниш учун дори-дармонлардан фойдаланиш аҳоли соғлом турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган. Тиббий маданияти ва саводхонлиги ошаётган одамлар шифокорлар тавсиясидан ташқари ўзлари ҳам дорихоналарда рецептсиз сотиладиган дорилардан кенг фойдаланмоқда. Қайси хонадонга кирманг, дераза токчалари, шкаф тортмалари, ошхона, айвон... Хуллас, дуч келган жойда ҳар хил дориларни кўрасиз. Бу уларнинг сифати бузилиши, болалар қўлига тушиб қолиши хавфини кучайтиради. Уларни махсус дори қутичалар – "аптечка"ларда сақлаш мақсадга мувофиқ. Афсуски, бундай дори қутичаси ҳамма уйда ҳам йўқ.**

# Уйда дори қутичангиз борми?



- Уйда "аптечка" бор, - дейди танишим. – Болалар қўли етмайдиган, қуёш нури тушмайдиган жойга ўрнатилган. Дорилар қутида мўътадил ҳароратда туради. Зарур пайтда қидириб овора бўлиб юрмайсиз. Вақти-вақти билан яроқлилик муддати ўтганларини чиқариб ташлайман. Янгиси билан тўлдириб тураман.

Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди. Айниқса, кекса ёшдаги кишилар оилада дориларга кўпроқ муҳтож бўлади. Улар кундалик фойдаланадиган дорилар махсус қутича - "аптечка"ларда сақланиши мақсадга мувофиқ.

Уй шароитида қабул қилинадиган дорилар, суртма малҳамларни дуч келган жойда сақлаш, аввало, уларнинг шифобахш хусусиятини йўқотади. Оқибатда фойдасидан кўра зиёни кўпроқ бўлади.

Уй дори қутичасини қўлда ҳам ясаш мумкин. Уни тез ёрдам сифатида қўлланадиган дори-дармон билан тўлдиришда албатта, шифокорлар билан маслаҳатлашиб иш тутиш керак. Баъзиларга бу мулоҳазаларимиз эриш туюлар, аммо соғлиқ ҳақида сўз борганда бепарволикка ўрин қолмайди.

**Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.**

# Ваъдабозлик – алдашми
ёхуд сеҳру жоду?

**Бировга ваъда бериш ваъда бераётган одамнинг маънавий-моддий имкониятлари, илм даражасига асосланган ҳолда келиб чиқадиган инсоний бурч, одамийлик кўмаги ҳисобланган.**

Ҳозир ҳам шундай – ваъда бердингми, бажар! Шу айтилган фазилату хусусиятларга эга бўлмаган кишилар бировни ишонтириб, ҳеч қанақанги ваъда бермайди, уринмайди ҳам. Бу яхши, албатта, сен ҳам тинч, мен ҳам тинч. Мабодо, ўйламасдан берилган ваъда пуч бўлиб чиқса, бундай кимса алдамчи, ваъдабоз ҳисобланади.

Қайта-қайта ваъдалар бераверириб бажармаса, бу хил ваъдабознинг пешонасига қасамхўрлик тамғаси босилади.

Бу хил ваъдабозларни ҳар куни кўрамиз, аммо шундай бўлса-да ўзимиз ҳам шу ишни такрорлаб, хом ваъда беришдан нарига ўтмаймиз. Жойи келса, қасам ҳам ичиб юбораверамиз. «Уч пуч ваъда – бир қасам».

Биродар, бу қусурларимиз ўсиб келаётган ёш авлодга қай тарзда даҳшатли таъсир этади, биласизми шуни?

Ваъдабоз, қасамхўрларнинг қайси юртга, қайси ота-онага кераги бор. Ваъдабознинг боласи – ваъдабоз бўлиши, кўринди, қолди.

**Муродим УМРЗОҚОВ.**

# Машрабга муносиб ворис

«««« Янги китоблар »»»»

**Исмат Санаевнинг ижодий сермаҳсуллиги, Самарқанднинг чекка бир туманида яшаб туриб, ижод майдонида ўз сўзига эгалиги таҳсинга сазовор. Шу сабабданми, шоирнинг энг яқин ижодкор дўстларидан бири уни бугунги ўзбек адабиётининг Шолохови, дея эътироф этади.**



Улуғ шоирлар ҳақида сўз юритиш, уларнинг шеърларига тазминлар боғлаш, нафақат сўзда, балки сурат ва сийратда ҳам унга монанд бўлмоқликни, руҳан катта тайёргарликни талаб қилади. Шоир, тарихчи олим, публицист Исмат Санаев асарларида оташнафас шоир Бобораҳим Машраб ижодига яқинлик, ошуфталик сезилади.

Машраб асарларининг аксарияти чуқур ижтимоий йўналишга эга бўлиб, ўша давр ҳаёти, жамиятдаги воқеа-ҳодисалар билан чамбарчас боғлиқ. Машрабнинг инсон маънавий камолотини улуғлашга бағишланган адабий меросида ғазал, мустазод, мураббa, мухаммас, маснавий, рубоий каби жанр турларида битилган етук намуналарни учратамиз. Машрабнинг жуда кўп ғазаллари халқ қўшиқларидек содда ва жарангдор, жўшқин ва таъсирчан.

Машраб ижоди кейинги асрлар адабиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган. Нодира, Ҳувайдо, Фурқат, Ҳамза каби шоирлар унинг ғазалларига тахмис ва назиралар боғлаган.

Ўз даврида Иззат Султон, Воҳид Абдуллаев, Ғафур Ғулом каби миллат жонкуярлари Машраб ижодини оммалаштиришда кўп хайрли ишлар қилишган. Таассуфки, чалкаш ва баҳсли фикрлар, мустамлака давридаги мафкуравий сиёсат улуғ шоирнинг асарларини бир томонлама, даҳрийлик тамойиллари асосида ўрганишга сабаб бўлди. Мустақилликдан кейингина Машраб ижодини ҳаққоний ва асл моҳияти билан ўрганишга киришилди. Унинг шеърларига мухаммаслар битилиб, ҳаёти ва ижоди ҳақида асарлар яратилди.

Исмат Санаев ҳам ана шундай масъулиятли юмушни моҳирлик билан уддалади. Унинг узоқ изланиш ва тайёргарликлари самараси ўлароқ "Машраб" номли китоби дунё юзини кўрди.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган ушбу китоб беш қисмдан иборат. Китобнинг дебочаси шоирнинг исми, туғилган йили каби мунозараларга ажратилган. Иккинчи қисмда Машрабнинг юзта ғазалига ижодкор ўзининг мухаммасларини келтирган. "Раҳимбобо Машраб асарларидан таржималар", "Исёнкор шоир", "Машраб – ўша" достонида улуғ шоир ижодини ўқувчи янгича талқинда кашф этади.

Буларнинг ҳар бири машрабшунослик илмида катта илмий ишларга, тадқиқотларга мавзу, дейиш мумкин. Қолаверса, шоир ғазалига Исмат Санаев боғлаган мухаммаслар унинг Машрабга муносиб ворис эканлигидан дарак беради.

**Сулаймон МАРДИЕВ.**

# "Ялангтўш тутган йўлбарс"



**"Қадимий Самарқанднинг муқаддас зиёратгоҳларини зиёрат қилганимда дунё тамаддунига тамал тошини қўйган аждодларимиз яшаган Самарқандда туғилганимдан фахр ҳиссини туяман.**

Мустақиллик йилларида Самарқанд юраги янада чирой очиб, дунё бўйлаб минг-минглаб сайёҳларни ўзига оҳанрабодек чорламоқда. Самарқанднинг ҳозирги ўрнида қайта тикланган осори-атиқалар, гўзал кошинли обидалар қаторида буюк аждодимиз Ялангтўшбий Баҳодирхон асос солган Регистон ансамбли, унинг меъморий ечими ҳануз кишиларни ҳайратга солади..."

Истеъдодли ёзувчи Саломат Маматқулованинг улуғ аждодимиз Ялангтўшбий Баҳодирхон ҳаёти ва фаолиятига бағишланган "Ялангтўш тутган йўлбарс" номли асарининг кириш сўзида келтирилган юқоридаги жумлалар ҳар бир Самарқанд фарзандида ғурур ҳиссини уйғотади.

Яқинда "Qamar-media" нашриётида чоп этилган ушбу асарда Ялангтўшбий Баҳодирхоннинг болалиги, ўсмирлиги, буюк саркарда бўлиб етишиши тарихий далиллар асосида, айрим ўринларда эса бадиий бўёқларга бойитилган ҳолда тасвирланган. Асарда кўҳна кентда содир бўлган муҳим воқеалар, аждодларимизнинг турмуш тарзи тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар ўрин олган.

**Самарқанд давлат университети профессори Фарҳод Набиевнинг "Ижтимоий назорат" дарслик китоби (СамДУ нашриёти, 2020 йил) нашрдан чиқди.**

# Ижтимоий назорат нима?



Сир эмас, ҳеч бир олийгоҳ, ҳатто фуқаролик жамияти институтларида назорат фаолиятига доир билимни тўла тарзда берадиган фан ўқитилмайди. Шу боис, назорат фаолиятига боғлиқ бўлган ижтимоий тартиб муаммоси барча вақтларда жамиятшунос олимларни ўйлантириб келган энг долзарб муаммолардан бири бўлган. Бугунги кунда ҳам ижтимоий тартиб муаммоси ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Чунки ҳали-ҳануз инсоният қандай қилсак жамиятда тартиб бўлади, деган саволга мукаммал жавоб топа олгани йўқ.

Шу жиҳатдан мазкур дарсликда назорат фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қиладиган бефарқликни жиловлаб, дахлдорлик ҳиссини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Дарслик назорат тизимини самарали ташкил этишга тўсиқ бўлган ҳар иккала сабаб, яъни назорат фаолиятига доир билимнинг етарли эмаслиги ва бефарқлик кайфиятини жиловлашга хизмат қилади.

Шунингдек, муаллиф кишиларнинг назоратга доир билимларини янада кучайтиришда "Ижтимоий тараққиёт – ижтимоий тартиб – ижтимоий назорат – ижтимоий буюртма" назарий концепциясига асосланиши зарурлигини назарда тутиб, дарсликни шу асосда мукаммаллаштирган. Китоб ижтимоий тартибни ўрнатишга хизмат қиладиган назорат тизимини такомиллаштириш масалаларини ўргатишга бағишланган.

Дарслик ижтимоий тартибни ўрнатишга хизмат қиладиган ижтимоий назорат муаммолари ва умуман, Ўзбекистоннинг янги тарихи билан қизиқувчи жамиятшунос олимлар, талабалар ва фуқаролик жамияти институтлари мутахассислари учун асқотадиган амалий қўлланмадир.

**Акрам БЎРИЕВ.**

Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр 100. Индекс 438.
19 846 нусхада чоп этилди. Буюртма 54

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

ҚАБУЛХОНА: (66) 233-91-51, РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: (66) 233-91-56
БЎЛИМЛАР: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.
"Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Ғ.ҲАСАНОВ.
Навбатчи: Н.ЖОНТЎРАЕВА.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009